

Сурхондарё вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар, шоиру ёзувчилар, журналистлар ва санъат аҳли мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларини кўриқлаётган чегарачилар ҳузурида бўлди.

Чегарачилар меҳмонларни мамнуният билан кутиб олди. Нафис мажлислару санъаткорлар ижросидаги куй ва қўшиқлар аскарларни янада руҳлантириб юборди. Учрашув сўнггида чегарачиларга эсдалик совғалари, бадий китоблар, газета ва журналлар тўхфа этилди.

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Туркия Ички ишлар вазири Садеддин Тантан Ўзбекистон Ички ишлар вазири З.Алматов билан учрашди.

Мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Мингйиллик саммити» доирасида Туркия раҳбари Аҳмет Неждет Сазер билан учрашган ва ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчилик ҳамда наркотик моддалар контрабандасига қарши ҳамкорликда курашиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилган эди.

С.Тантан бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарияти билан ҳам учрашиб, ўзаро ҳамкорлик борасидаги масалаларни муҳокама қилди.

Жиззахда Юртбошимиз Ислоом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» номли китоби асосида яратилган кинофильмнинг 4-қисми намойиш қилинди.

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Тақдимот маросимида тўпланганлар кинофильмнинг юртимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган кучларни фожия қилувчи, барчани Ватан манфаати йўлида янада мустаҳкам бирлашишга, ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи ёрқин гоёси бугунги кун вазибалари билан ҳамбарчас боғлиқ эканини таъкидладилар.

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ўз уйимиз, мамлакатимиз осойишталиги ва фаровонлиги кўп жиҳатдан оилаларимизда қандай фарзандлар тарбия топаётганига, ҳар биримизнинг масъулиятимизга боғлиқ. Наманганда бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда сўз борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» ги Фармонида алоҳида эътибор қаратилди.

Шаҳар жамоатчилиги йиғилишида Фармон эълон қилинганидан сўнг уйига қайтган йигитларнинг ота-оналари сўзга чиқди.

Уғлим бағримга қайтиб келганидан бениҳоят шодман, - деди «Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қилувчи Иминжон Абдурахмонов. - Менинг ўғлим ва бутун оиламиз Президентимиз, бутун халқимиз олдида билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламиз.

Президентимизнинг адашиб, террорчилар қаторига кириб қолган ёшларга қайтиш имконини берувчи Фармон ҳақидаги хабарни эшитган ўғлим Фазлиддин Мамадалиев уйга қайтиб келди, - деди наманганлик Фотимахон Хотамова. - Ишонаманки, Фармон ўғлимга ҳам таъдиқ этилади.

Шундан сўнг ҳозирги кунда ҳам террорчилар орасида юрган йигитларнинг ота-оналари сўз сўрашди.

Менинг гапларимни эшитаётган бўлсанг, қайт ўғлим, - деди фарзанди Дилшодга қарата Охунбобоев номли

Маҳаллада истиқомат қилувчи Ғолиб Ҳожиёв. - Қанча умрим қолганини билмайман. Бундан бун қандай яшашим, одамлар орасида бош кўтариб юришим энди сенга боғлиқ бўлиб қолди, боламан.

Наманганлик қария Фатхиддин Зокировнинг ёлғиз ўғли - Ҳалим ҳам Ватанидан узокда, террорчи гуруҳлар орасида юрибди.

Президентимиз адашиб, бегона юртларда юрган ёшларимизга қайтиш имконини берди. Кеч бўлмасдан, ортага қайтган ўғлим, - деди Ф.Зокиров ўз чиқишида.

Мажлисида сўзга чиққан бошқа иштирокчилар - раислар, маҳалла йиғинлари фаоллари ўз уйини, умумий уйимиз - Ватани асраш зарурлиги ҳусусида тўхталишди. Шунингдек, шаҳарнинг барча маҳаллаларида кеча-кундуз навбатчилик ташкил этилгани қайд қилинди.

Бугунги кунда огоҳликка даъват, ҳушёрликни сақлаш айниқса аҳамиятлидир. ҲА.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 19 сентябр, сешанба №137 (969)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»МАРАТ САФИННИ ЖАҲОННИНГ ЭНГ КУЧЛИ ТЕННИСЧИСИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРДИ

17 сентябр куни деярли бир ҳафта давом этган улкан теннис байрами - Ўзбекистон Республикаси «Президенти кубоги» мусобақалари ниҳоясига етди.



«Президент кубоги» турнири еттичи бор зўр муваффақият билан ўтказилди. Бу гал ҳам, аввалги йиллардаги каби, мусобақага дунё теннисининг энг номдор, зарби зўр вакиллари ташриф бурди. Улар сафида Евгений Кафельников, Карлос Мойя, Грег Руседски, Седрик Пиолли сингари йигирмадан ортиқ мамлакатдан келган забардаст спортчилар бор эди.

хисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, «Президент кубоги» финалида Д.Сангинетти ва М.Сафин бақамти келди.

Эслатиб ўтамиз, «Президент кубоги» финали ғолиби 35 рейтинг очкосига, унинг иштирокчиси эса 25 рейтинг очкосига эга бўлади. М.Сафиннинг ярим финалда рақибини енгиб, финалга йўлланма олиши унинг жаҳон теннис таснифида биринчи ўринга кўтарилишини таъминлади! Марат Сафин илк бор Тошкентда дунёнинг биринчи рақамли ракеткачиси - энг уста теннисчи сифатида кўртга чиқди! Бошқача айтганда, жаҳоннинг навбатдаги энг кучли теннисчиси Тошкентда «туғилди».

Италиялик Давид Сангинетти 28 ёшда. Бу йилги мавсумда, асосан, «Челленжер» туркумига кирувчи турнирларда ўйнаб келаётган эди. Лондонда ўтказилган ATP Тур туркумига кирувчи турнирлардан биринчи ярим финалида у америкалик таңкилли теннисчи Пит Самп-расга ютқазиб қўйганди.

«Президент кубоги»нинг ярим финалида италиялик Давид Сангинетти французлик Жюльен Буатери 7:6 (5), 7:6 (4), россиялик Марат Сафин эса швейцариялик Жорж Бастли 6:2, 6:2

омадли келди. У ўзининг янги мураббийси, бир вақтлар Россиянинг биринчи рақамли теннисчиси бўлган Андрей Чесноков билан машқ қила бошлагач, дастлаб Барселона ва Майоркадаги турнирларда, сўнгра Торонтода «Теннис мастерс» туркумига кирувчи йирик мусобақада ғолиб бўлди. АКШ очиқ биринчилигидаги ғалаба М.Сафиннинг иродали, ўйинчи эканлигини кўрсатган бўлса, Ўзбекистон Республикаси «Президенти кубоги» уни жаҳоннинг энг кучли теннисчиси мартабасига олиб чиқди.

«Президент кубоги» турнири финали биринчи сетадан дастлабки гейми Д.Сангинетти фойдасига ҳал бўлса-да, М.Сафиндек номдор рақиб олдидаги ҳаяжонланмиш ва асабийлашмиш унинг ўйинига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. У тўп оширишда кетма-кет хатога йўл қўйиб, бирин-кетин геймларни бой берди. Натижада М.Сафин биринчи сетда рақибини 6:3 ҳисобида осонгина мағлубиятга учратди.

Иккинчи сетда Д.Сангинетти вазиятни ўзгартиришга ҳар қанча уринмасин, ундасидан чиқолмади. У М.Сафиннинг тезлиги соатига 200 километрдан ошадиган тўпларини қайтаришга ожизлик қилиб қолди. Россиялик ёш теннисчининг катта-кат-

та турнирларда қатнашиб, тўплаган тажрибаси ва юксак маҳорати ўйин тақдирини хал қилди. М.Сафин иккинчи сетда 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди ва Ўзбекистон Президент кубогини кўлга киритди.

«Президент кубоги» теннис турнирининг ташкилотчиси Сассон Какшурри ғолибларни тақдирлаш маросимини очар экан, мусобақа зўр муваффақиятлар билан яқунланганини алоҳида таъкидлади. У теннис ривожига эътибор ва халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар борасида Ислоом Каримов дунёдаги энг илғор президентдир, деди.

Маросимда Ислоом Каримов нутқ сўзлади. - Бутун ҳафта давомида «Юнусобод» кўртларида ва телевизор орқали спортчиларнинг муросасиз баҳсларини томоша қилганларнинг барчаси шу кунларда спортнинг жозибador ва қизиқарли тури бўлиши катта теннис билан яшайди, десам янглимайман, - деди, жумладан, давлатимиз раҳбари. - Мазкур турнир республикамизда тенниснинг омдалашуви янада кучайтирди. Ушбу нуфузли спорт турнири ҳар бир мактаб, ўқув муассасаси, ҳар бир шаҳар ва аҳоли пункти, ҳар бир оиллага кириб боришига кўмаклашди,

десам, фикримга қўшилмас, деб ўйлайман. Мен ушбу юксак минбардан туриб мусобақанинг ҳар бир иштирокчисига мазкур мафтункор спорт тури муҳлисларига тақдим этган унутилмас лаҳзалар учун кутлов ва миннатдорлик изҳор этишни истар эдим.

Ислоом Каримов билдирилган улкан умидни оқлаш учун ўзларининг юксалиб бораётган маҳоратларини намойиш этган ўзбекистонлик теннис усталарига ҳам ташаккур изҳор этди. Юртбошимиз, шунингдек, ATP Тур ижрочи директори Марк Майлзга, турнир ташкилотчиларига, ҳакамларга ва журналистларга миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг маросимнинг энг ҳаяжонли давлари бошланди. Ислоом Каримов «Президент кубоги» турнири ғолиби Марат Сафин ва иккинчи ўрин соҳибни Давид Сангинеттига совринларни тантанали равишда топширди. Уларга, одатимизга кўра, зарбоб тўн ва дўппи кийдирилди. «Президент кубоги»нинг ўтган йилги финалчиси ва бу йилги ярим финалчиси, аждоиб теннисчи Жорж Бастлга ҳам зарбоб тўн ва дўппи ҳадя этилди.

Маросимда сўз олган «Президент кубоги» турнирининг ғолиби Марат Сафин давлатимиз раҳбари Ислоом Каримовга мана шундай аждоиб мусобақани уюштиргани ва финал учрашувини томоша қилишга шахсан ташриф бургани учун миннатдорлик изҳор этди. Тошкентда ўтадиган мусобақаларда қатнашиб менга ҳузур баҳишлайди. Чунки мен бу ерда ҳар доим муҳлисларимнинг чин дилдан қўллаб-қувватлашларини ҳис қилиб тураман, деди у.

Шундай қилиб, деярли бир ҳафта давом этган катта теннис байрами ниҳоясига етди. Тошкентдаги бу мусобақа дунёга навбатдаги биринчи рақамли теннисчини ҳадя этгани билан бутун жаҳондаги спорт муҳлислари ёдида қоладиган бўлди.

Анвар КАРИМОВ, ҲА муҳбири.

ОРОЛ МУАММОСИ ОЛАМ ДАРДИ

Ўтган йилнинг июн ойида Ўрта Осиё ва Қозғистоннинг бешта миллий гидрометеорология хизматлари вакиллари Тошкентда бўлиб ўтган учрашувида Бутунжаҳон метеорология ташкилотига Орол денгизи хавзаси бўйича гидрологик даврийликни кузатиш тизими /ОГДТ/ни ташкил этиш ҳақидаги муражаатнома имзоланган эди.

«Орол-ОГДТ» лойиҳаси бўйича кенгаш бўлиб ўтди, ҳозир эса Ўзбекистон Гидрометеорология Бош бошқармасида ушбу муаммо бўйича иккинчи минтақавий кенгаш ўз ишини бошлади.

Беш кун давом этадиган мазкур учрашувида Бутунжаҳон метеорология ташкилоти, БМТ Ривожланиш дастури, Жаҳон банки, бўлажак донорлар агентликлари, Буюк Британия, Германия, АКШ, Япония элчихоналари ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этмокда. Муҳокама этилаётган лойиҳадан кўзланган мақсад - сув захираларидан оқилон ва тежамкорлик билан фойдаланишнинг изчил ва иқтисодий жиҳатдан асосланган йўлларини, Орол денгизи хавзасида ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқлаб олишдан иборат. Бунга эса сув ресурслари бўйича мақбул ва ишончли ахборот тизимини йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин. «Орол-ОГДТ» лойиҳасининг амалга оширилиши метеорологик геостационар йўлдошдан фойдаланиб, гидрологик тармоқни ташкил этиш, шу билан бирга янада тақомиллаштирилган гидрологик тармоқ, миллий ва минтақавий маълумотлар базасини яратиш, Орол муаммосини самарали ҳал этиш имконини беради.

(ҲА).

Бухоро вилоятида харидорнинг махсулотлар ишлаб чиқариб, ички ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топаётган корхоналар талайгина. Бироқ «Табиат саҳовати» акциядорлик жамиятида ишнинг юришиши қийин кечмокда. Таҳлил шунини кўрсатмокдаки, корхона мутасаддилари кадрларни бозор шароитида ишлашга ўргатиш, замонавий технологияни жорий этиш, иқтисодийни юксалтиришга хизмат қиладиган қўшимча омилларни ишга солиш ҳусусида вақтида етарли қайғуришмаган. Боз устига кадрларни алмаштиришга зўр берилган. Ниҳоят, ўтган йил январ ойида Камол Шарипов раислик курсисига ўтирди.

Бухоро вилоятида харидорнинг махсулотлар ишлаб чиқариб, ички ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топаётган корхоналар талайгина. Бироқ «Табиат саҳовати» акциядорлик жамиятида ишнинг юришиши қийин кечмокда. Таҳлил шунини кўрсатмокдаки, корхона мутасаддилари кадрларни бозор шароитида ишлашга ўргатиш, замонавий технологияни жорий этиш, иқтисодийни юксалтиришга хизмат қиладиган қўшимча омилларни ишга солиш ҳусусида вақтида етарли қайғуришмаган. Боз устига кадрларни алмаштиришга зўр берилган. Ниҳоят, ўтган йил январ ойида Камол Шарипов раислик курсисига ўтирди. Таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган олти ойида корхона целларида 30 минг шартли банка ўрнига 90 минг шартли банка махсулот тайёрланди. Лекин иқтисодий аҳвол ўнганмади. Иш ҳақи ва қатор ташкилотлардан қарздорлик давом этмокда. Боз устига сифат сертификати бўла туриб, уни четга чиқариш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаётир. Цехларни айланар эканмиш, бош хисобчи Бахтиёр Жўраев: «москвалик ҳам украиналик шериклар билан узум шарбати етказиб бериш ҳусусида шартномамиз бор», - деб мақтаниб қолди. Бу ҳақиқатда

тўғри келмайди. Негаки корхонада бунақа махсулотни тайёрлайдиган цехнинг ўзи йўқ. Ким билсин, балки бу ердаги «тадбиркор»лар томат пастасини узум шарбатига айлантириб четга сотишмоқчи. Мутасаддслар ўзаро суҳбат чоғида «биз вилоятда сабзавот етказиб бериш юзасидан шартнома бандларини тасдиқлаган

га бир неча савол билан муружаат қилмокчи эдик. Лекин у кишини иш жойидан тополмадик. Корхона раҳбари мактаган консерва цехининг эшигида эса кулф. - Йигирма кундирки, ишчиларимизга жавоб берганмиш. Ишни вақтинча тўхтатдик, - дейишди мутасаддлар ҳижолатосир тутишга уринишди.

Барча субъектларга тегишли микдорда бунақ пули етказиб берганмиш», деган гаплари ҳам ўз тасдиғини толмади. Бунини Шофиркондек олис тумандан корхона қанча помидор олиб келган «Нурафшон» жамоа хўжалиги пудратчилари Дилшод Бозоров, Турди Болтаев, Тўра Саидовлар ҳам тасдиқлашди. Томат цехи бошлиғи Нишон Сабриев

Сабок

ушун кунни бекор ўтказишяпти. Ўтган йилги ишлаб чиқарилган махсулот реализация қилинган бўлса-да, корхонада иш ҳақи бериш кечикмокда, дивиденд тўловлари эса буткул унутилган. «Бухороматлубот-савдо» акциядорлик компанияси томонидан берилган ёрдамни ҳам биздан сир тутишга уринишди.

Бу хонадаги шароит, кишиларнинг ишга муносабати бизни ҳайрон қолдирди. Соат ўн бирга яқинлашаётган бўлса-да, усталар давра қуриб ўтиришарди. Тўртта буг қозонидан биттаси ишляпти холос. Четдан қанчадан-қанча маблағ сарфлаб тақлиф қилинган усталар темир қувурлар, ва бошқа хижозлар бўлмаганлиги

изланиш бўлмаганлиги учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланилмаётир. Ишлаб чиқариш ўта суст ривожланоқда. Омилкор раҳбар ишчи-хизматчилар ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатади, иқтисодийни юксалтиришнинг омилларини излаб топади. Бундай имконият бу ерда ҳам йўқ эмас. Масалан, корхона ихтиёридаги қолбаса тайёрлаш ва қандолатпазлик цехларини юритиш эвазига даромаднинг сезиларли даражада ошириш мумкин. Бироқ... тўғриси, эҳтиёт қислар, мосламалар ўз холига ташлаб қўйилганлигини кўриб, ажабландик.

Вилоят аҳолисини қишда мева ва сабзавот махсулотлари билан таъминлаш қувватига эга бўлган совутич омборлари ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолмокда. Буларнинг ҳаммаси «Табиат саҳовати» акциядорлик жамияти раҳбари мутасаддсларига сабоқ бўлиши керак. Улар бахоналарни четга суриб омиларкорлик, ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Акс ҳолда кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Усмон НАВРҮЗ, «Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшма ҳаёти: хориж билан ҳамкорлик

Жаҳонда давлатлар кўп, эл-элатлар кўп. Лекин улар орасида шундайлари борки, номини эшитганинг ҳамон қалбингда йиғилиб қолган меҳр бевосита тошиб чиқади. Озар халқи ҳам биз учун улкан бир дарахтнинг ёнма-ён ўсаётган икки шохи каби азал туташ ва қадрдон. Биз Низомий Ганжавий ва Фузулйдан канчалик маънавий озуқа олсак, улар ҳам Алишер Навоий ва Бобурни шундай ардоқлайдилар. Дини бир, лаҳжаси ўхшаш, тарихи яқин... Зеро, дўстлар, қардошлар учрашувчи хамиша самийий кечади.

моқ кўмита раисларининг унда иштироки шарт қилиб қўйилганлиги эътиборга лойик. Яна бир гап. Касаба уюшмалари ижтимоий сугурта маблағи билан шуғулланмайди. Бу давлат ижтимоий ҳимоя фонди зиммасида бўлиб, меҳнатқашларни сайин ортб бормоқда. Бу бежиз эмас. Бозор муносабатларининг татбиқ этилиши Озарбайжонда гоят оғир кечмоқда, маълумотларга қараганда саноат корхоналарининг 20-25 фоизигина ишлаб турибди. Чет эл инвестициясини жалб этиш дастури қабул қилинган бўлса-да, унинг кириб келишида сусткашлик мавжуд. Ваучерга ўхшаш хусусийлаштириш амалга оширилган бўлишига қарамай, у кўзланган натижани бермади. Ер хусусийлаштириб, кимшди савдосига қўйилган, аммо амалда ундан фойдаланиш яқин эмас.



Олтириқ тумани деҳқонлари бу йил пахтачиликда туб бурилиш яшага эришдилар. Суръат ҳам кун сайин ўсиб бормоқда. «Оқбўйра» ширкат хўжалиги заршунослари эса маррага етиб келдилар. 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан хирмон кўтарган хўжалик миришкорлари айни пайтда ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш иштиёқида ғайратни бўшаптиришмапта.

Суратда: «Оқбўйра» ширкат хўжалиги илгор бригада етакчиси Одилмурод Соттиевга мукофот топширилаётган пайт. Т.ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КАТТА ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА

моалар шартномалари тўғрисида», «Таътилар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Бугина эмас, касаба уюшма ҳаёти ҳақидаги кўрсатув мунтазам равишда теледастурга киритилади. Ҳозирги кунда республикада 1,4 миллион нафар касаба уюшма аъзолари бўлиб, конфедерация олий органи, кўп давлатларда бўлгани каби, съезд ҳисобланади. Конфедерация қошида курортлар бошқармаси, туризм билан шуғулланган бўлим, спорт ассоциацияси, ҳафтада бир марта чиқадиган «Уфат» газетаси фаолият кўрсатмоқда.

соғломлаштириш учун зарур бўлган маблағ Конфедерация орқали тармоқ кўмиталарига туширилади. Унга йўланма сотиб олинб, унинг 15 фоизини дам олувчи ёки жамоа шартномаси, битим орқали иш берувчи тўлайди. Чет элда дам олинса ҳам тўлов қисми барча учун бир хил бўлиб, ҳар ўнинчи йўланма имтиёзlidir. Сафар чоғида Ўзбекистон делегациясига Озарбайжон давлат сугурта компаниясида иш берувчи билан республика касаба уюшма кўмитаси ўрталарида келишув имзоланишига бағишланган учрашувда қатнашиш имконияти туғилди. Ушбу учрашувда иш берувчи касаба уюшма ташкилоти билан ҳамкорликда келишувга киритган имтиёзлар, хусусан ҳар бир ҳодимга иш ҳақидан ташқари «нон пули» дейиладиган маблағ ҳар ойда тўланиши ва йилда икки марта ёрдам пули ажратилиши, йил якунига кўра рағбатлантириш, тўй-маъракаларда ёрдам кўрсатиш, йўланмалар тўлов қисмининг ярмини тўлаш, олий ўқув юртига фарзандлар шартнома асосида ўқишга кирган тақдирда, бу тўловни корхона амалга ошириши каби имтиёзлар хусусида ахборот берди.

— Биз бунди Боку тайёраҳоғига кўнган чоғимиздаёқ дилдан ишонч ҳосил қилдик, — дейди Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси, делегация раҳбари Жория Алимхўжаева. — Қаерда бўлмайлик, хоҳ у Озарбайжон касаба уюшмалари Конфедерацияси ёки тармоқ касаба уюшма Республика кўмиталарида, ёхуд давлат сугурта компаниясида уюштирилган қабул бўлсин, хоҳ туман тармоқ касаба уюшмаси кўмитасидаги, ёки бўлмаса, хўжалик ва ташкилотлардаги жонли мулоқотларда бўлсин, ўзбек халқига чуқур эҳтиром ва юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга катта қизиқиш ҳис қилиб турдик. Эътироф этиш лозимики, Озарбайжон касаба уюшмалари ҳаракати анчайин олис тарихга эга. У аср бошдаёқ келишув ва шартнома асосида иш ташкил этиш орқали ишчилар, хусусан Боку нефтчилари ўртасида шўҳрат қозongan. 1904 йилда иш шартини яқшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти, меҳнат муҳофазаси каби масалаларни қамраб олган ҳужжат асосида фаолият кўрсатиб, бу ҳаётий талабларни осойишта йўл билан, иш берувчи билан шартнома тузган ҳолда амалга ошириш мумкинлигини амалда исботлай билган Озарбайжон касаба уюшмалари ҳамон ўз анъаналарига «содик қолмоқдалар. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан, деганларидек бевосита касаба уюшмалари иштирокида республикада «Ҳамкорлар иттифоқлари ҳақида», «Битим ва жа-

Шу билан бирга касаба уюшмалари зиммасида ечимини топиши ниҳоятда мушкул бўлган қатор муаммолар турганлигини ҳам қайд этиш лозим. Ишсизликдан жабр кўрганлар сони йил

Ватанинг ҳақидаги ҳар бир илқ сўз, самимий нигоҳ нақадар ёқимли. Беихтиёр кўрагинг тўғдек кўтарилади. Балки ифтихор деганлари шудир. Р.ЗАЙНИЕВ.

«АЛОҚАБАНК» ИШ БОШЛАДИ

Бухоро вилоятида иштисослашган акционерлик тижорат «Алоқабанк» филиали иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозирда янги банкнинг 50 дан зиёд мижозлари бор. Банк ўзининг 45 миллион сўмлик дастлабки кредитини Бухоро давлат электр алоқа ишлаб чиқариш корхонасига Японияда ишлаб чиқарилган автомат телефон станцияси жиҳозларини сотиб олиш учун ажратди. Шунингдек, Жондор туманидаги «Ҳаризобод» фермер хўжалиги ҳам 2 миллион сўм микрокредит олди. «Алоқабанк» филиали аҳоли жағфармаларини жалб этиш борасида ҳам иш олиб борапти.

БЕШ КОЛЛЕЖ ВА БИР ЛИЦЕЙ

Жиззах шаҳри, Бахмал, Фалларол, Дўстлик, Мирзачўл туманларида уч минг ўқувчига мўлжалланган бешта касб-ҳунар коллежи ва 825 ўринли битта аҳолилик лицей бинолари куриб битказилди. Бахмал тумани маркази — Усмат кўрғонидан барпо этилган билим маскани ўша кун фойдаланишга топширилган касб-ҳунар коллежларининг тўртинчиси ҳисобланади.

Меҳнат ва рағбат

Бугун дала айланб дилингиз равшан тортади. Бободехқон икки фасл орзиқиб кутган манзара — бодроқдек оппоқ мушт-мушт мунчоқлар сугга чайиб олинган каби жилоланади. Энди гард юктирмай уларни йиғиб-териб олишгана қолган... Хўш, ишлар қандай кетаётир, умуман, унинг боришидан қониқса бўладими? Ўзбекистон агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси Шамсиддин ЭСОН-БОЕВ билан суҳбатда ана шу саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик.

ТЕРИМЧИНИНГ ҲАҚИ НАҚД

Даромадга қараб буромад, дейдилар. Лекин бундан олдин самарали меҳнат учун шароит яратиш ҳақида бош қотиришга тўғри келади. Хусусан, дала шийпонларининг бугунги аҳолини қандай баҳолайдими? — Кун пешинга қараб оғиб, ҳарорат забтига минган, боз устига тонг саҳардан бошланган меҳнатдан толиқган вужудда хордиққа майл уйғонган бир паллада пана жой истаб қоласан беихтиёр. Шундай пайларда барча шароитлар муҳайи этилган шийпон бўлса, жоннинг роҳати. Мазаза қилиб дам олиб, куч тўлаб, яна иштиёқ билан далага шўнғийсан киши. Бу борада Наманган вилояти пахтакорларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Деярли барча дала шийпонлари таъмирдан чиққан, маънавият ва маърифат бурчқари ташкил этилган. Радио-телевизор, деворларда давлатимиз рамзлари... Аёллар ва эркаклар учун махсус кийимли хоналари. Егулик нарсалар эса дала шийпонига туташ бир гектарлик ёрдамчи хўжаликдан чиқади. Қовун-тарвузмиди, сабзи-пиевми, ҳар қалай ошпаз мазали таом пишириш учун бозор-ўчар қилиб юриш ташвишидан қутилган. Кези келганда, аниқ режа асосида астойдил ҳаракат қилинган ва рағбатлантирувчи омиллардан ўрнида фойдаланилган жойда муваффақият куттириб қўймаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Дала шийпонлари намунавий ҳолга келтириш тадориги бутун вилоят бўйича кенг қўламда олиб борилганлиги учун ҳам бу масала ўз ечимини толган дейиш мумкин. Дарвоқе, ҳокимлик томонидан уюштирилган ва унинг ижроси устидан касаба уюшмалари назорати ўрнатилган ўзига хос бу мусобақада Уйчи туманидаги Абдували Мўминов номли жамоа хўжалигининг иккинчи ва «Қамолот» ёшлар бригадалари голиб чиқдилар. Уларга от ва соғин ситир совға қилинди. Лекин, афсуски, ахвол барча вилоятларда ҳам шундай тарзда йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида бу жабада ечимини олиш кутаётган муаммолар кўп. — Ўз вақтида берилган иш ҳақи пировард натижа учун энг таъсирчан омил. Билишимизча, бу терим мавсумида мазкур масалага ҳар йилгидан ҳам жиддий эътибор қилинмоқда, турли мукофотлар таъсис этилмоқда... — Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноаттаъмирлаш» давлат кооператив кўмитаси ҳамда республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамкорликда кўшма қарор қабул қилдик. Унга кўра терим мавсуми голибларини ҳар бир тизим бўйича алоҳида рағбатлантириш ҳамда мукофотлаш кўзда тутилди. Кун кеча Асака ва Олтинқўл туманлари пахтакорлари республикада биринчи бўлиб давлат режасини бажардилар ва

табiiйки, бошқа мукофотлар қатори Марказий Кўмитамизнинг махсус совринини ҳам олишга муваффақ бўлдилар.

Дарвоқе, мукофотлар тўғрисида. Фаргона вилоятида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан меҳнат — дам олиш лагерлари ташкил қилинди. Отаналарига кўмакка чиққан ҳашарчи болалар шу масканда кўним топадилар. Бу масканлар олти минг ҳашарчиға мўлжалланган бўлиб, турар-жой ва уларнинг иссиқ овқатидан хабардор бўлиб туриш касаба уюшмалари зиммасига юклатилган. Мунтазам равишда ҳар беш кунликда иш ҳақини олишдан ташқари, болалар турли ҳомийлар томонидан таъсис этилган мукофот эгаси ҳам бўладилар.

Умуман, ушбу вилоятда амалга оширилаётган тадбирларни республика бўйича ёйиш мақсада мувофиқдир. Бу ерда рағбатлантиришнинг янги-янги шакллари йўлаб топилмоқда. Айниқса, энг илгор механизатор ва чевар теримчиларни дам олиш уйлари ва санаторийларга йўланмалар билан мукофотлаш йўлга қўйилганлигини қутлаш лозим.

— Нимасини айтасиз, пахтазор — жасорат майдони деганларича бор ва у кимнинг кимлигини ҳам шундоққина юзага чиқариб қўяди.

— Ҳа, йиғим-терим палласи касаба уюшмалари учун ҳам ўзига хос имтихондир. Айнан шу кезларда одамлар ўзларига яқин олиб, турли масалаларда бизга мурожаат этаётганликларидан қувонмоғимиз лозим. Демак, касаба уюшмаси ўз нуфузига эга ва у кун сайин ортиб бормоқда. Бу бизни янада фаолроқ ишлашга даъват этади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки касаба уюшмалари — ўз номи билан меҳнатқашлар ҳақ-хўққининг чинакам ҳимоячисидир.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ.

«Ишонч»га жавоб берадилар ҚАРЗЛАР ТўЛАНДИГАН БЎЛДИ

«Муаммо кўндаланг қўйилади» руқни, «Кўшма корхона: имконият ва натижа» сарлавҳаси остида босилган (2000 йил 5 август) мақола Кумқўрғон туманида ишга туширилган «Олтинчи» кўшма корхонаси вилоят хўжаликлариға 80 миллион сўмлик чигит сотгани, аммо уларнинг банклардаги ҳисоб рақамларида эркин муомалада пуллари йўқлиги сабабли ҳанузгача қарзларини тўламай келаётганлиги ва бу муаммолни масалани ҳал қилишда Молия вазирлиги кўмаги зарурлиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар баёнига бағишланган эди.

Яқинда йўлимиз тушиб Тўртқўл тумани Шароф Рашидов номидаги ширкат хўжалигида бўлдик. Биз излаган киши уч-тўрт кундан бери дарёнинг суви бор жойидан канал қазиб қакраб ётган шолзор-у, пахтазорларга сув чиқараётган механизматорларга тегишли йўл-йўриқ бериб турган экан. Бизни кўриб пешвоз юрди.

— Бозор иқтисодиёти «ишламаган тишлмайди» деган ҳақиқатни бугун рўй-рост исботламоқда. Тажрибадан шунини аниқ билдимки, ҳозирги замонда ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилган одам фақат ютади ва бой бўлади, — деди хўжалик раҳбари Рустам Рўзимов. — Бунинг биринчи шарти эса тадбиркорлик билан иш юрийтиш. Ҳар бир томчи сув, ёнилги ресурслари, электр қувватидан тежаб-тергаб фойдаланиш лозимлигини ширкат аъзоларига мунтазам ўқитиришимиз. Минерал ўғитлар сарф-ҳаражати ҳам қаттиқ назоратга олинди. Ҳар беш кунда кам харажат сарфлаб кўп иш бажарган механизматорлар, насосчилар, сувчилар, оилавий пудратчилар рағбатлантириб борилмоқда. Кўп йиллардан бери чўнтага пул кўрмаган ширкат аъзоларига боғ, полиз, сабазот маҳсулотлари, қурилиш мате-

Қишлоқ гузари

риаллари сотишдан тушган пуллар ойлик маош сифатида тарқатилмоқда. Хўжалигимиз меҳнат аҳлининг табiiй газ, электр энергияси, коммунал хизматлар, телефон хизматида бўлган қарзларини уларнинг ойлик маошлари ҳисобидан ўзaro келишув асосида уздик. Ушун йили 14 қишлоқлик ички йўллар таъмирланди. 5 қажирим масофага йўл қурилиб асфальтланди. 150 та хонадон ошонхонада «зангори олов» ёнди. 5 гектар ерда янгидан «Мустақиллик боғи» барпо қилинди. 2 гектар майдонга терак қўчатлари экилди. Тут, манзарали ва мевали дарахт қўчатлари экилмаган бирорта арик ва канал бўйи қолмади. — Энди деҳқончиликка келсак, — сўзида давом этди раис, — насиб этса ҳаммаси зиёдаси билан бўлади. Биз дарё соҳилидан қайтар эканмиз, чап томонда яқиндагина иш бошлаган оҳақ пишириш цехи, эндигина пойдевори қурилатган гишт заводи, ичмам ва чиройли, шарқона услубда қад тиклаётган гузарни ҳам кўрдик. Демак, бугун ушбу ширкат хўжалиги аъзолари эришаётган ютуқлар келгусидаги катта муваффақиятларнинг дебочасидир.

Муҳаммад СОБИР.

Вазирлар Маҳкамаси БУГУНГИ

кўрки ва



Бозорни барометрга ўхшатишди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Шу бос диёримизга таширф буюрган ҳар бир хорижлик меҳмон энг аввало, шаҳар билан танишувни бозордан бошлайди. Бу ердаги мўл-кўпчилик, тўкин-сочинлик маҳаллий халқнинг қандай яшаётганидан дарак беради. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июндаги «Бозорлар фаолиятини тақомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 239-сонли қарори ички бозорни турли-туман, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, деҳқон, фермер хўжаликларининг экин-эркин фаолият кўрсатишларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш ва айни пайтда кенг истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза этишга қаратилганлиги билан гоят муҳимдир.

дери диган ҳалол, одил, ишбилармон, ташаббускор раҳбар кадрларни танлаб олишдан иборат эди. Шунга кўра аттестация комиссияси ҳайъати таркибига шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар бош бошқармаси, солиқ назорати, Адлия бошқармаси, СЭС хизмати каби идора, ташкилотлар масъул ходимлари киритилди. Юксак талабчанлик руҳида ўтган аттестацияда 10 нафар бозор бошқаруви раис ўринбосари талабга жавоб беролмагани маълум бўлди. Танлов ўтказилиши арасида эса «Миробод», «Чорсу» буюм бозорлари раҳбари ва «Фарҳод» бозори бошқаруви раис муовини ўз хоҳишлари билан ишдан бўшах ҳақида комиссия ҳайъатига ариза топшир-

Тахририят сўровига биноан Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағфармасидан қўйидаги мазмунда жавоб олинди: — Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда хўжаликларга сотиладиган уруғлик чигит аввалдан маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилиши керак эди. Шунга қарамай, Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан ва республикада пахта уруғчилигини ривожлантириш мақсадида жағфарма томонидан истисно тариқасида хўжаликларнинг «Олтинчи» кўшма корхонасидан қарзларини тўлашга рухсат этилди. К.ТОШМАТОВ, жағфарма директори.



«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ
РЖТ 6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

СЕШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.

ЧОРШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ.
15.45 Кўрсатувлар тартиби.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ.
15.45 Кўрсатувлар тартиби.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ.
15.45 Кўрсатувлар тартиби.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ.
15.45 Кўрсатувлар тартиби.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.45-15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНЕСИ.
15.45 Кўрсатувлар тартиби.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Ким эричи-у, ким чаққон?».

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
8.05 «Экспресс» телегазетаси.
8.30 «Омад» тележурнали.

БОЗОРЛАРИМИЗ

афзаллиги хусусида

ва ҳиссадорларга дивидент тулаш «Отчопар буюм бозори», «Авиасозлар», «Юнусобод уни-версам бозори» акциядорлик жамиятларида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

ишлар бошқармасининг қўшимча таянч пунктлари ташкил этилади. Бундай тадбир бозорлар ҳудудига меҳнаткашларнинг маҳсулотларини эмин-эркин савдо қилиши, ноконуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

БОЗОРЛАРИМИЗ

афзаллиги хусусида

ва ҳиссадорларга дивидент тулаш «Отчопар буюм бозори», «Авиасозлар», «Юнусобод уни-версам бозори» акциядорлик жамиятларида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

БОЗОРЛАРИМИЗ

афзаллиги хусусида

ва ҳиссадорларга дивидент тулаш «Отчопар буюм бозори», «Авиасозлар», «Юнусобод уни-версам бозори» акциядорлик жамиятларида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

БОЗОРЛАРИМИЗ

афзаллиги хусусида

ва ҳиссадорларга дивидент тулаш «Отчопар буюм бозори», «Авиасозлар», «Юнусобод уни-версам бозори» акциядорлик жамиятларида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

БОЗОРЛАРИМИЗ

афзаллиги хусусида

ва ҳиссадорларга дивидент тулаш «Отчопар буюм бозори», «Авиасозлар», «Юнусобод уни-версам бозори» акциядорлик жамиятларида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

БОЗОРЛАРИМИЗ

афзаллиги хусусида

ва ҳиссадорларга дивидент тулаш «Отчопар буюм бозори», «Авиасозлар», «Юнусобод уни-версам бозори» акциядорлик жамиятларида энг юқори кўрсаткични ташкил этди.

«Президент кубоги-2000»

МАРАТ ВАЪДАСИНИНГ УСТИДАН ЧИҚДИ

АТР Тоиг туркумидаги энг нуфузли мусобақалардан бири — теннис бўйича «Президент кубоги» еттинчи халқаро турнири ўз ниҳоясига етди. Муҳлислар бир неча кун мобайнида М.Сафин, Е.Кафельников, С.Пиолин, Г.Руседски, К.Моя каби жаҳоннинг энг кучли теннисчилари иштирокидаги қизгин ва мурасасиз «олтин копток» беллашувларининг гувоҳи бўлдилар.

Айтиш лозимки, айнан кучлилар — Е.Кафельников, С.Пиолин, Г.Руседски ва К.Моя каби ракетка усталари турнир омадсизларига айландилар. Улар бирин-кетин маглуб бўлиб, кортни тарк этдилар. Энг аввал турнирнинг учинчи ракеткаси, дунё теннис рейтингда ўн тўртинчи ўринни эгаллаб турган Седрик Пиолин ўтган йилги мусобақалар финалчиси Жорж Бастла имкониятни бой берган ва испаниялик Карлос Мойя француз теннисчиси Стиф Гуетга ютказиб қўйган бўлса, кейин фақат финални кўзлаётган буюк британиялик Грег Руседски умидлари россиялик Андрей Столяров томонидан йўққа чиқарилди. Мусобақаларнинг яна бир етакчи теннисчиси Франциялик Жером Голмар ўз ҳамюрти Жюлен Буттер билан бўлган нимчорак баҳсида жароҳат олганлиги сабабли турнирни эртароқ тарк этишга мажбур бўлди.

Турнирнинг энг шовшувли воқеаси 1/16 босқич баҳсида рўй берди. Евгений Кафельников италиялик Давид Сангунеттига 7/5, 6/3 ҳисобида имкониятни бой бер-

ди. Начора, ушбу мусобақаларда кетма-кет икки бор муваффақиятсизликка учраган сочилик ракетка устасига энди тобора юлдузлар учун катта синовага айланаётган турнирнинг келгуси йилги беллашувларини кутишга тўғри келади.

Дарвоқе, италиялик Давид Сангунетти машхур Е.Кафельниковни бежизга кортни маглуб ҳолда тарк этишга мажбур этмаган экан. Нимчорак ва ярим финал баҳсларида ҳам кучли рақибларини енгган италиялик теннисчи финалга йўл олди. Бунгача эса дунёнинг биринчи ракеткаси бўлиши кутилаётган, яқингинада АҚШ очик чемпионатида афсонавий Пит Сампрасни доғда қолдирган 20 ёшли Марат Сафин финал йўлланмасини нақд қилиб қўйган эди. Интиқлик билан кутилган финал баҳсида эса кўпчилик томонидан башорат қилинган, кутилган натижа қайд этилди: 6/3, 6/4. Ҳа, Марат ўз ваъдасининг устидан чиқди. Зеро, у мусобақалар аввалида журналистларга берган интервьюсида Тошкентга фақат турнир голиби бўлиш учун таш-

риф буюрганлигини, хатто бунга тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси олимпиада беллашувларида қатнашуви ҳеч қандай монелик қила олмаслигини айтиб ўтган эди.

Мукофот жамғармаси 525 минг АҚШ долларини ташкил этган, нуфузи ҳам обрўйи йилдан-йилга ошиб бораётган «Президент кубоги» халқаро турнири якунланди. Қайсидир теннисчи кўнгиладигдек иштирок этиб, ўз олдига қўйилган мақсадга эришди ва

САССОН КАКШУРИ: ЎЗБЕК ТЕННИСИНИНГ КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Улкан теннис юлдузлари иштирокидаги ёрқин спорт байрамига айланган «Президент Кубоги» турнири ҳеч муболагасиз ҳар қандай нуфузли мусобақаларнинг гултожи бўлиши мумкинлигига, бетакрор беллашувлардан ишқибозлар олам-олам завқ олишганига ишонч ҳосил қилдик. Биз билан суҳбатда ўтган йили АТР Тоиг туркумидаги еттинчи ортиқ мусобақаларнинг энг яхшиси деб топилди, махсус соврин билан тақдирланган «Президент Кубоги» турнирининг нуфузи, унинг истиқболи тўғрисида «International Tennis Promotions LTD» компаниясининг раҳбари, турнир асосчиси Сассон Какшури куйдагиларни сўзлаб берди:

рувчи Грег Руседски, Карлос Мойя ва Седрик Пиолин каби ўта иқтидорли спортчиларнинг иштироки турнир даражаси нақадар юқорилигидан далолат берди.

Энг муҳими, турнир давомида оилавий байрамлар, болалар кунлари, профессионал ва ҳаваскорлар ўртасидаги мусобақалар, VIP турнир, бепул лотерея тиражлари ҳам ташкил этилдики, бу «Президент Кубоги»нинг



СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

яна қайсидир ракетка усталаридан омад юз ўғирди. Энг асосийси, еттинчи бор аъло даражада ўтказилган мусобақалар кўплаб теннисчиларни кашф этди. Энг асосийси, беллашувларни кузатган ўнлаб, юзлаб болакайлар, қизалоқлар кўнглига «олтин копток» меҳри тушган, эрта-индин ана шу фарзандларимиздан Ватанимизнинг, қолаверса жаҳоннинг энг кучли уста теннисчилари етишиб чиқса, не ажаб.

К.ОЛЛОЁРОВ.

— Ушбу турнирнинг ўзига хос хусусиятлари, тўғрисида шунини айтиш мумкинки, унинг халқаро нуфузи тобора ортиб, қатнашчиларининг ҳам таркиби йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Курраи заминнинг кўплаб мамлакатларида унга қизиқиш ортиб бораётгани, «Л'Экспресс», «Би-Би-Си», «Си-Эн-Эн», «Скай-Ньюс», «Ла Газетта», «Теннис Италияно», «Рейтер», «Ассошэйтед-Пресс», «Интерфакс», НТВ, РТР, Итар-ТАСС, Франс-Пресс, «Инфоспорт» каби йирик ахборот агентликлари, телевизион каналлар ва газеталар-



нинг беллашувларни кенг ёритгани, қолаверса, АТР Тоиг нинг ижрочи директори Майкл Майлс жанобларининг турнирга махсус ташриф буюриши фикримиз далилидир. Кунини кеча Америка очик чемпионатида Пит Сампрасни енгган Марат Сафин, теннис оламининг энг катта чўққиси бўлмиш «Катта Дубулга» турнирининг икки карра голиби, ўтган йили жаҳондаги энг кучли теннисчилар сафини бошқарган Евгений Кафельников, энг кучли тўп оши-

улкан теннис байрамига айланганлигини кўрсатадиган омилидир. Шунингдек, қатнашчи ва меҳмонлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишиб, кейинги пайтларда юртингизда амалга оширилаётган янгиланишларни эътироф этдилар.

— **Айтинг-чи, теннисчилар учун ажратилган мукофот пуллари солиққа тортиладими?**

— Янги турнирларни жаҳонга таништириш, мавқеини ошириш мақсадида мукофот пуллари даст-

лабки йилларда солиққа тортилади амалиёти мавжуд. Бинобарин, биз ҳам аввалига ана шу қоидага риоя этдик. Ҳозирги пайтда эса турнир қатнашчиларига ажратиладиган мукофот пуллари солиққа тортиляпти.

— **Турнир мукофот жамғармасини ошириш режалари ҳам борми?**

— Келаси йили уни 550 минг доллар даражасига етказиш ҳаракатидамыз.

— **Мусобақаларнинг Ўзбекистонда теннисни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини қандай баҳолайсиз?**

— Бундай нуфузли мусобақалар мамлакатда теннисга қизиқишнинг кескин кучайиши, демаски, кўплаб ёш иқтидорлар етишиб чиқишининг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Масалан, Россияни олайлик. Кафельниковнинг ажойиб галабаларидан сўнг мамлакатдан бирин-кетин Сафин, Столяров, Южний каби умидли теннисчилар етишиб чиқди. Худди шундай вазиятни Ўзбекистонда ҳам кўришимиз мумкин. «Президент Кубоги» мусобақалари юртингизда Челленжер, Фьючерс, «Тошкент Опен» турнирларининг ташкил этилишига асос бўлди. Ҳозир Ўзбекистонда қизлар ва болалар ўртасида бир гуруҳ умидли теннисчилар камол топмоқдаки, тез орада халқаро майдонга яхши натижаларни кузатиш имкониятига эга бўламыз.

Суҳбатдош: Дилшод ИСРОИЛОВ.

САНОАТЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкентдаги Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг спорт мажмуида истиқлолимизнинг 9 йиллигига бағишланган катта спорт байрами ўз ниҳоясига етди. Унда республика ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати корхоналарининг 350 нафардан ошқик ходими иштирок этди.


Спортнинг беш тури - шахмат, шашка, стол тенниси, аёллар ва эркеклар волейболи, мини-футбол бўйича ўтказилган мусобақаларда 15 та жамоа - 2 та бирлашган ва 14 та вилоят жамоалари соҳибдорлиги билан оғиринлар учун кураш олиб боришди.

Кескин беллашувлар натижасига кўра умумжамоа ҳисобида фарғоналиклар биринчи ўринни эгалладилар. Иккинчи ўринга Тошкент вилояти, учинчи ўринга эса Тошкент шаҳар жамоаси сазовор бўлди.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси Марказий кўмитаси раиси Ш.Екубовга акаси **Ислому ЕКУБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси Марказий кўмитаси «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» очик акционерлик жамияти касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Собир Пулатовга падари бузруквори **Акрам ПУЛАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

Ўзбекистон агро саноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси тармоқ раёсат аъзоси, Қашқадарё вилояти «Бешкент» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшмаси кўмитасининг раиси Д.Ҳазратқуловга онаси **Пулатой АШУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ изҳор этади.



ИККИ ҲАФТАДА 15 ТҮП

Зукко муштарийлар гап қайси жамоа устидан кетаётганини дарҳол пайқашди. У мамлакат чемпиони ва бу йил ҳам юксак унвонни ўз қўлида сақлаб қолиш учун катта имкониятларга эга бўлди — «Дўстлик» дир. Ёдингизда бўлса, айнан ушбу команданингни ўз майдонида «Семурғ» устидан 7:1 ҳисобидаги йирик галабасидан таъсирланиб, нахотки бир жамоа мавсумда 100 та тўп киритиши мумкин бўлса, дея хайратлангандик.

Чамаси тахмин-фаразларимизнинг рўйига чиқди. Ростга ўхшаб қолди. «Дўстлик» навбатдаги турда, бу гал сафарда «Сўғдиёна»ни 8:1 ҳисобида маглуб этган, бу ишонч янада кучайди. Ўилаймизки, мавсумнинг қолган ўн бир йўлинида машхур клуб учун яна 21 та тўп киритиш унчалик муаммо тугдирмасе керак.

Яна уч учрашувда йирик ҳисоб қайд этилди. «Нефтчи» - «Бухоро» - 4:1,

«Металлург» - «Навбахор» - 3:0, «Турон» - «Семурғ» - 3:0. Сарқисян шоғирларининг галабаси ҳеч қандай ҳайрат уйғотмасда, кейинги икки матчда майдон эгаларининг яққол устунлиги анчайин кутилмаган ҳолдир. Айниқса, «Турон» жамоасининг шиддати таҳсинга лойиқ. Ўйнаса бўларкан-ку! «Пахтакор» эса Урганчда маҳаллий «Хоразм» жамоаси билан кечган мурасасиз курашни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига



ҳал қилиб, турнир жадвалидаги мавқеини янада яхшилаб олди.

Турнинг энг қизиқарли матчи Қаршида бўлиб ўтди. «Насаф» ўз майдонида пешқадамликка даъвогар «Самарқанд-Динамо»ни қабул қилди. Ўз муҳбиримиз Шавкат Султоннинг хабар қилишича, биринчи тайм «Насаф»нинг моҳир ҳужумчиси Зафар Холмуродовнинг таллай қулай имкониятлардан фойдалана олмаслиги билан томошабинлар ёдида қолди. Иккинчи бўлимда ҳам ўйин асосан «Самар-

қанд-Д» дарвозаси ёнида кечди. Аммо шунга қарамай, фақат учрашувнинг 70- ва 74-дақиқаларидагина сазў-ҳаракатлар натижа билан якунланди. Аввал Рустам Абдуллаев, сўнгра иккинчи бўлимда майдонга тушган Шўҳрат Тошпўлатов ҳисобни 2:0 га етказди.

29-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Дўстлик»	27	22	3	2	79-29	89
2. «Насаф»	29	19	7	3	64-36	64
3. «Нефтчи»	29	19	6	4	64-27	63
4. «Самарқанд-Д»	28	19	2	7	73-33	59
5. «Навбахор»	29	16	7	6	72-38	55
6. «Бухоро»	29	14	4	11	47-46	46
7. «Андижон»	29	12	9	8	61-39	45
8. «Пахтакор»	29	12	7	10	47-41	43
9. «Сурхон»	29	12	6	11	53-51	42
10. «Трактор»	29	12	4	13	44-40	40
11. «Семурғ»	29	10	7	12	45-52	37
12. «Металлург»	29	10	7	12	31-42	37
13. «Қизилқум»	29	7	11	11	30-41	32
14. «Гулистон»	28	8	3	17	32-52	27
15. «Кимёгар»	29	6	8	15	27-47	26
16. «Темирйўлчи»	29	7	5	17	43-69	26
17. «Сўғдиёна»	29	7	5	17	37-67	26
18. «Зарафшон»	29	6	7	16	24-56	25
19. «Турон»	28	5	6	17	26-64	21
20. «Хоразм»	28	4	6	18	23-52	18

«Андижон» ва «Қизилқум» ўртасидаги дуранг (1:1) натижани истисно қилганда, қолган учрашувларда майдон эгаларининг қўли банд қолди: «Сурхон» - «Зарафшон» - 3:1, «Трактор» - «Темирйўлчи» - 2:1, «Гулистон» - «Кимёгар» - 2:1.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Яқинда Зарбдор тумани марказида икки минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ қайта таъмирланди. Таъмирлаш ишларида тумандаги 70 дан зиёд корхона ва ташкилот қатнашди.

Жами 30 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган ўйингоҳ спортчилар ва спорт ишқибозларини қабул қилишга шай. Атрофига ёришти ускуналари ўрнатилган ўйингоҳ барча талабларга жавоб берадиган футбол майдони, югуриш йўлаклари, спортчилар ва ҳакамлар хонасига эга.

АКРОБАТЧИЛАРИМИЗ ЮТУГИ

Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида акробатика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда беш мамлакат - Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон спортчилари иштирок этди.

Ўзбекистонлик спортчилар - аёллар жуфтлиги Евгения Лушникова ва Снежана Алёшина, эркеклар жуфтлиги Элдор Мусин ва Зуфар Аҳмедов, ҳамда тўртлик - Нуржигит Дусойнов, Дилшод Жалилов, Авазбек Ҳасанов ва Шўҳрат Қодиров учта дастур бўйича бронза медалларига сазовор бўлди ва умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

(ЎЗА).